

ОРАЛИҚ ҲИСОБОТ
2021 йил, 15 сентябрь – 5 октябрь

2021 йил, 8 октябрь

I. ҚИСҚА АХБОРОТ

- 24 октябрга белгиланган президент сайлови ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда олиб борилаётган давомли ислохотлар шароитида бўлиб ўтади. Президент тўғридан-тўғри беш йиллик муддатга ягона, мамлакат миқёсидаги сайловчилар корпуси томонидан сайланади. Ҳеч бир номзод берилган овозларнинг кўпчилиги тўйлаш олмаса, сайлов кунидан бир ой кейин икки етакчи номзод орасида сайловнинг иккинчи раунди ўтказилади.
- Сайловнинг ҳуқуқий асосига доир қонун ҳужжатлари ислохот жараёнидан ўтмоқда. Ҳозирча қабул қилинган ўзгартишларда ДИИХБ нинг аввалги тавсиялардан бир қатори ҳисобга олинган, жумладан кампания тадбирлари тўғрисида хабар қилишнинг соддалаштирилган жараёни, кампания ўтказиш пайтида лавозимни суиистеъмол қилишга қарши баъзи чоралар, низоларни ҳал қилишнинг параллел йўллари бартараф қилиш ва кампания билан боғлиқ оралиқ молия ҳисобот талаблари. Бошқа, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилишдаги камчиликларга доир тавсиялар кўриб чиқилмаганича қолмоқда.
- Сайлов уч даражали, Марказий сайлов комиссияси (МСК), 14 округ сайлов комиссиялар (ОСК) ва 10.760 участка сайлов комиссиялардан (УСК) иборат тизим томонидан ўтказилади. Ҳозиргача МСК йиғилишлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, онлайн узатилмоқда. МСКнинг қарорлари ОАВда эълон қилинмоқда ва сайлов тадбирлари муддатига риоя этилмоқда. МСК сайлов участкалари ходимлари учун каскад тренинглар ўтказди ва сайловчилар орасида кўламли оқартув ишлар олиб борди. Барча сайлов участкалар ҳаракати чекланган сайловчилар кира оладиган бўлиши керак; Сайлов куни COVID-19нинг олдини олиш учун батафсил чоралар ишлаб чиқилди. Сайлов пайтида ишлайдиган тахминан 140.000 нафар кишидан 46 фоизи хотин-қизлар; бироқ улуш комиссиялар раҳбарлари орасида пастроқ.
- Сайловчиларнинг ягона марказлашган электрон реестрига (СЯЭР) қарийб 21,2 миллион фуқаро киритилди. Мамлакатда сайловчиларни рўйхатга олиш суёт борапти. Уйма-уй юриб тасдиқлаш давом этмоқда, шунингдек сайловчилар ўзлари маълумотларини онлайн тарзда тўғрилашлари мумкин. Сайловчиларни овоз бериш куни ҳам сайлов участкаларида рўйхатга қўшиб қўйиш мумкин. Оғир жиноятлар учун қамоқ жазосини ўтаётган маҳбуслар, шунингдек суд томонидан, жумладан ақлий ва руҳий сабабларга кўра лаёқатсиз деб топилган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.
- Номзод сифатида кўрсатилиш имконияти, жумладан мамлакатда яшаш вақти ва давлат тилини билиш талаблари билан чегараланган. Фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиши мумкин ва мустақил номзодлар кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Қонунда назарда тутилган санага МСК беш номзодни рўйхатга олди, тўрт эркак ва бир аёл.
- Расмий сайловолди кампания 20 сентябрда бошланди ва 22 октябрда тугайди. Қонунда барча давогарлар учун тенг сайловолди кампания имкониятлари таъминланади. Кампания

тадбирлари маҳаллалар ва туман даражаларида, партияларнинг маҳаллий вакиллари ва ваколатли шахслар уйма-уй ташкил қилинган сайловчиларни аниқлаш, ва номзодлар олиб борадиган кенгроқ учрашувлар орқали олиб борилади. Ижтимоий тармоқлардан ҳам сезиларли даражада фойдаланилмоқда.

- Сайлов билан боғлиқ барча харажатлар давлат бюджетидан молиялаштирилади; ҳар бир партия кампаниясини ўтказиш учун тахминан 250.740 еврога тенг маблағ олди. Кампанияни маблағ билан таъминлашнинг барча бошқа манбалари тақиқланган. Кампаниянинг молиявий ҳисоботи сайлов кунидан аввал тақдим этиладиган янги, оралиқ ҳисоботдан ва натижалар эълон қилингандан сўнгги якуний ҳисоботдан иборат. Ҳисоб палатаси кампания молияси аудитини фақат *факт бўйича* 2022 йилда ўтказди.
- ДИИХБ мулоқот қилган кўп кишилар ОАВ иқлими яхшиланганлигини таъкидладилар; шунингдек улар журналист ва блоггерларни кўрkitиш ва таъқиб қилиш, ОАВ учун тақиқлашга мойил қонун ҳужжатлари ва баъзи халқаро ОАВ органларининг ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг веб-сайтларини ёпиш каби давом этаётган муаммолар борасида ташвиш билдирдилар. МСК Сайлов кодексининг умумий талабларини давлат ОАВ текин вақт ва жой ажатиш билан тўлдирди. Барча номзодларга фаолиятлари тенг ёритилишини кафолатласа-да, қонун ҳужжатлари даъвогарларнинг эгаллаб турган лавозимларидаги фаолиятини кампания мақсадларида ёритишни тартибга солмайди.
- Сайлов комиссиялари Сайлов кодексининг бузилишларига тегишли шикоятларни биринчи инстанцияда кўриб чиқади, қарорлари устидан шикоят билан судга мурожаат этиш мумкин. Суд фақат сайлов маъмуриятининг ҳаракати ёки қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади. Олий суд МСК устидан берилган шикоятларни, жумладан сайловни бекор қилиш талаблар қўйилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Ҳозирги кунга МСКга шикоятлар берилмаган, фақат сайловчиларнинг сайлов жараёнининг ташкилий жиҳатларига тегишли ахборот олиш талаблари келиб тушган. Сайлов маъмуриятининг қуйроқ поғоналарига ёки судларга шикоятлар тақдим этилмади.
- МСК қарорлари билан изоҳланадиган Сайлов кодекси халқаро ташкилотлар, партия фаоллари, ОАВ вакиллари ва фуқаролар йиғинлари вакиллари томонидан кузатувни таъминлайди, аммо аввал ДИИХБ тавсия қилган оддий фуқаролар кузатувини таъминламайди. Кузатувчи сифатида аккредитациядан ўтиш сайлов жараёнининг барча паллаларини кузатиш ҳуқуқини беради.

II. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (МСК)нинг таклифига ва ваколатига биноан, the ЕҲХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИХБ) 15 сентябрь куни Сайловни кузатиш миссияси (СКМ)ни.¹ Жаноб Eoghan Murphy бошчилигидаги СКМ 11-аъздан иборат бўлиб, асосий таркиб Тошкентда жойлашган ва 28 нафар узоқ муддатли кузатувчилар (УМК) мамлакат бўйлаб 24 сентябрда жойлаштирилдилар. Миссия аъзолари ЕҲХТнинг қатнашчи 26 давлатдан танлаб олинди. ДИИХБ СКМ қатеагчи давлатлардан яна 250 нафар қисқа муддатли кузатувчиларни (ҚМК) юборишини сўради, булар овоз бериш, овозларни ҳисоблаш ва натижаларни расмийлаштиришни кузатадилар.

¹ Аввалги [ODIHR election observation reports on Uzbekistan](#) ни кўринг.

III. АСОСИЙ АХБОРОТ

23 июлда МСК президент сайловини 2021 йил, 24 октябрь куни ўтказаш тўғрисида қарор қабул қилди.² Сайлов ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда олиб борилаётган давомли ислохотлар шароитида, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббус қилган “Янги Ўзбекистон” шиори остида ўтмоқда. Президент Мирзиёев 2016 йилда 88,6 фоиз ҳақиқий овозларни олиб, лавозимни эгаллади. Сайловни ўтказиш, шунингдек, COVID-19 пандемияси ва қўшни Афғонистондаги нобарқарорлик билан ажралиб турибди.

Ўзбекистонда кучли президентлик тизим мавжуд бўлиб, президент ижроси мажбурий фармон ва қарорлар қабул қилади Бош прокурор, Давлат хавфсизлик хизмати раиси ва бошқа юқори лавозимдаги мансабдор шахслар ва судьяларни тайинлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Олий Мажлис (икки палатали парламент) қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланади, номзодини президент кўрсатган Бош Вазирни тайинлайди ва, 2019 йилда Конституцияга киритилган ўзгартишларга биноан, президент тайинлашидан аввал вазирлар номзодларини маъқуллайди.

2019 йил парламент сайловида барча беш партия парламентга сайланди: Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЎзЛиДеП) 53 ўрин, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси - (ЎДП) – 36 ўрин, Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси (ЎСДП) – 24 ўрин, Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎХДП) – 22 ўрин ва Экологик партия (ЎЭП) – 15 ўрин. Олий Мажлис қонунчилик палатасининг ҳозирги 150 аъзоси орасида 48 нафари хотин-қизлар (32 фоиз).

IV. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президент умумхалқ сайловида тўғридан-тўғри овоз бериш билан беш йиллик муддатга сайланади. Ғолибни аниқлаш қоидалари даъвогарлар сонига қараб ўзгаради. Икки номзод рақобатлашганда кўпчилик овоз олган номзод ғолиб ҳисобланади; барча бошча ҳолларда номзод сайланиш учун сайловда қатнашганларнинг 50 фоиздан ортиқ овозини олиши керак. Бунга эришилмаса, икки етакчи номзод бир ой мобайнида, аммо сайловдан 15 кундан қисқа бўлмаган муддатда ташкил этилган иккинчи турда рақобатлашади. Барча рўйхатга олинган сайловчиларнинг 33 фоиз қатнашиш талаби фақат биринчи турга тегишли. Конституцияда лавозимни эгаллаш икки кетма-кет муддат билан чекланади.

Сайловга доир ҳуқуқий асос 1992 йил Конституцияси, 2019 йил Сайлов кодекси, 1996 йил Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун (СПК), 2004 йил Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун (СПМК), 1995 йил Жиноят кодекси ва 1995 йил Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан иборат. МСКнинг жараённинг барча жиҳатларига тегишли қарорлари сайлов қонунчилигини тўлдирди. Ҳуқуқий асосда ислохот жараёни кечмоқда: сайловга доир бутун ҳуқуқий асос, жумладан Конституция ва Сайлов кодексига 2021 йилда ўзгартишлар киритилди, СПМ қонуни истисно, бу қонунга ўзгартишлар 2019 йилда киритилган эди. Ўзбекистон демократик сайлов ўтказишга доир асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.³

² Охириги конституцион ўзгартишдан аввал сайлов декабрга ўтказилиши белгиланган эди.

³ Жумладан 1966 йил Фуқаровий ва сийсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ICCPR), 1979 йил Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларидаги барҳам белиш тўғрисидаги конвенция, 1965 йил Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, 2003 йил Коррупцияга қарши конвенция ва 2006 йил Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция, ва 2002 йил Демократик сайлов стандартлари, Мустақил давлатлар ҳамжамиятига аъзо давлатларда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги конвенция (МДҲ конвенцияси).

Охирги ўзгартишлар ДИИХБнинг аввалги тавсияларидан баъзиларига боғлиқ. Аввалги кампания тадбирлари тўғрисида 30 кун аввал розилик олиш талаби олиб ташланди, ўрнига 3 кун аввал хабар қилиш талаби киритилди. Давлат хизматидаги кишилар томонидан кампания ўтказиш тақиқланди ва оралиқ кампания молия ҳисоботи киритилди. Сайлов маъмурияти ва суд органларининг сайлов борасида низоларни ҳал қилишдаги баҳам кўрилган ваколати бир бирдан ажратилди, муқобил муҳокама бартараф этилди. Бошқа ўзгартишлар куйи даражадаги сайлов комиссияларни тузилишини ўзгартириш ва уларни кенгайтиришга, мамлакатдан ташқарида овоз бериш, натижаларни эълон қилиш ва сайлов жараёнининг бошқа техник жиҳатлари билан боғлиқ. ДИИХБнинг анча аввалги тавсиялари, жумладан овоз бериш ҳуқуқларига, мустақил номзодларни тақиқлашга ва кампанияни муқобил манбалардан молиялаштиришга ва фуқаро кузатувчиларга йўл қўйиш ҳамон кўриб чиқилмаган.

Конституцияда кафолатланган фундаментал инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари куйи қонунлар билан чекланганлигича қолмоқда.⁴ ДИИХБнинг аввалги тавсияларига қарамай, тухмат ва обрўга путур етказиш, гарчи 2020 йилда ушбу қилмиш учун санкциялар қаторидан қамок жазоси олиб ташланган бўлса-да, ҳамон жиноят ҳисобланади.⁵ Экстремизм кенг таърифланиб, эркин талқин ва қўллаш имкониятига йўл қўяди.⁶ 2021 йилдаги конституцияга ўзгартиш билан йиғилиш эркинлигини қонун ости актлар билан чеклаш тақиқланди, аммо йиғилиш эркинлиги бирон бир махсус қонун билан тартибга солинмайди.⁷ Бироқ, жиноят ва маъмурий қонунларда ноқонуний йиғилишлар ва рўйхатга олинмаган уюшмалар тақиқланади ва улар учун жазо тайинланган. ДИИХБ аввал ортиқча юк ҳосил қиладиган ва ихтиёрий қўллашга очиқ деб баҳолаган сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказишга доир қонун ҳужжатлари ҳамон ўзгартирилмаган.⁸ 2020 йилда мамлакат ичида ҳаракатланиш ва чет элга чиқиш низомлари либераллаштирилди, натижада чиқиш визалари бекор қилинди ва яшаш жойини танлаш

⁴ Уюшмалар, йиғилиш ва сўз эркинлигига нисбатан ҳуқуқий чекловларни баҳолаш борасида қаранг: [2020 UN Human Rights Committee Concluding observations on the fifth periodic report of Uzbekistan](#), хусусан 20, 44, 46, 48 ва 50 хатбошилар.

⁵ 2021 йилда кўзгалонга даъватни криминализацияси ва расмий кишиларга қаратилган баъзи ҳаракатларга, жумладан президентни ҳақоратлашга қарши санкциялар кучайтирилиши билан сўз эркинлиги янада чекланди.

⁶ [2020 UN Human Rights Committee Concluding observations on the fifth periodic report of Uzbekistan](#) (БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 2020 йил Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботида якуний мулоҳазалари)да “экстремизм”, “экстремист фаолият” ва “экстремист материаллар”нинг Экстремизмга қарши курашиш қонунидаги таърифини ортиқча кенг ва мавҳум, деб баҳолади ва бундай қонунни қўллаш фундаментал эркинликларни ноўрин чеклаш учун қўлланиши борасида ташвиш билдирди.

⁷ 2019 йилда ДИИХБ Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисидаги қонуннинг лойиҳисини йиғилиш эркинлиги борасидаги халқаро стандартлар талабига жавоб бермайди деб [баҳолади](#). Лойиҳа қабул қилинмади.

⁸ Қонунда сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун 14 минтақадан камида 8-сида яшовчи 20.000 нафар қўллаб-қувватловчилар имзосини йиғиш шарти қўйилади, булар 3 ой мобайнида 50 кишидан иборат оралиқ кенгаш томонидан йиғилиши ва таъсис ҳужжатлари таъсис қурултойида тасдиқланиши керак. Адлия вазирлиги (АВ) сиёсий партияни рўйхатдан ўтказишни турли-туман сабабларга кўра рад этиши мумкин. 2021 йилда АВ “Ҳақиқат ва тараққёт” социал-демократик партиясини, айтишларича, қўллаб-қувватловчи имзолар етарли эмаслиги туфайли рўйхатга олишни [рад этди](#) (ҳавола русчада), чунки 9.879 тақдим этилган имзоларни текширишда 2.292 имзони фуқаролар қайтариб олинганлиги ва 42 марҳумларники эканлиги аниқланди. ОАВ хабар қилишича, гуруҳ етакчиси, 2021 йилда президент сайловида ўз номзодини қўйиш ниятида бўлган Хидирназар Аллақулов рўйхатга олиш даврида фитнага дуч келганлиги тўғрисида [шикоят қилди](#) (ҳавола русчада). Яна бошқа ният қилган номзод, Жаҳонгир Отажонов, шунга ўхшаш шикоятлардан кейин сиёсатдан чиқиб кетди.

осонлашди, ўз навбатда бу сайловчиларни рўйхатга олишга таъсир кўрсатди. 2021 йилда конституциявий ўзгартиш билан президент сайлови вақти ўзгартирилди.⁹

2019 йилдаги Хотин-қизлар ва эркаклар орасида тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун расман, жумладан сайлов комиссияларни шакллантиришда имкониятлар тенглигини белгилайди.

2021 йилда Ўзбекистон БМТнинг 2006 йилги Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини (НБШК) ратификация қилди.¹⁰ 2021 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида янги қонун қабул қилинди, у сиёсий ҳаётда камситилишсиз қатнашувни кафолатлайди.

V. САЙЛОВНИ ЎТКАЗИШ

Сайловни Марказий сайлов комиссияси (МСК), 14 округ сайлов комиссиялар (ОСК) ва 10.760 участка сайлов комиссиялари (УСК) ўтказди.¹¹ МСК доимий орган бўлиб, унинг аъзоларини Олий Мажлис минтақавий кенгашлар тавсияси билан белгиланмаган муддатга тийинлайди.¹² Ҳозирги пайтда МСК 21 аъзодан иборат, улардан 7 нафари хотин-қизлар. МСК нинг раиси президент тавсияси билан МСК аъзолари орасидан сайланади.

МСК, бошқа давлат агентликлари ва вазирликлари кўмагида, сайловчилар реестрини тутати, Сайлов кодексини бажариш борасида маъмурий қарорлар қабул қилади, сайлов календари тўғрисида қарорлар қабул қилади, номзодларни рўйхатдан ўтказди, шунингдек сайлов натижаларини тасдиқлайди ва бекор қилади. МСКнинг кенг тартибга солувчи ваколатларига яна кампания харажатлари чекловини ўрнатиш, номзодларга эфирда ажратилган вақтни белгилаш, шунингдек сайлов билан боғлиқ шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш кирди.

Ҳозирда, сайлов маъмурияти барча қонунда белгиланган муддатларга риоя қилиб келмоқда ва техник тайёргарлик олиб бормоқда. МСКнинг қарор ва резолюциялари очиқ овоз бериш билан оддий кўпчилик овози билан шахсий иштирок ва онлайн иштирокда ўтказиладиган йиғилишларда қабул қилиниб, онлайн эълон қилинади.

14 ОСК, ҳар бир маъмурий бирлик учун битта, вақтинчалик органлар бўлиб, вилоят даражасида сайлов жараёнини назорат қилади, унинг аъзоларини маҳаллий кенгашлар тавсияси билан МСК тайинлайди. ОСКлари август ўрталарида шакллантирилиб, 15-21 аъзодан иборат.¹³ ОСКнинг 266 аъзосидан 39 фоизи (ёки 104 нафол) хотин-қизлар, аммо ОСК раислари орасида аёл йўқ. МСК хабар беришича, ногиронлиги бўлган шахслар ОСК аъзоларининг 5 фоизини ташкил қилади.

УСКлари сайлов участкаларида сайловни ташкил этади ва олиб боради. Яқинда қабул қилинган ўзгартишлар натижасида УСКлар кенгайтирилди, энди улар, участка катта-кичиклигига қараб, 5дан 19гача аъзодан иборат бўлиши мумкин. УСКларни ОСКлар сентябрь ўрталарида номзодларни фуқаролар йиғинлари, жамоат уюшмалар ва бошқа ташкилотлар кўрсатиши билан

⁹ Бошқа ўзгартишлар орқали парламент паларалари раисларининг ваколати кенгайтирилди ва давом этаётга суд тизими ислохотида мувофиқ суд тизими тузилмаси ўзгартирилди. Конституциявий ўзгартишлар фақат ҳар бир палатанинг камида учдан икки овозлари билан қабул қилиниши мумкин.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси БМТнинг 2006 НШХК 2009 йил, 27 февралда имзолади.

¹¹ Қўшимча равишда, чет элдаги сайловчилар учун 54 УСК ташкил қилинди.

¹² Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенеси ва вилоят ва Тошкент шаҳри Кенгашлари.

¹³ ОСКлар катта-кичиклиги турли, вилоятда рўйхатга олинган сайловчилар сонига боғлиқ.

маҳаллий кенгашлар таклифлари асосида шакллантирди.¹⁴ УСК аъзолари сиёсий партия аъзоси ёки бирон номзоднинг қариндоши бўлиши мумкин эмас. Давлат ва маҳаллий органлар сайлов комиссияларига ташкилий ва фаолиятни олиб боришда қонунга биноан ёрдам кўрсатишга мажбур. Овоз беришни ташкил қилишга жалб қилинган 142.044 кишидан 46 фоизи хотин-қизлар.

Қонун ҳужжатлари бир неча муқобил овоз бериш усулини тақдим этади. Махсус УСКлари касалхоналарда, мурувват уйлари, ҳибсда сақлаш марказлари, қамоқлар ва ҳарбий қисмлардаги сайловчилар учун ташкил қилинган. Эрта овоз бериш таъминланган ва ДИИХБнинг овоз бериш сирини муҳофаза қилишга доир тавсиясига мувофиқ, сайловчининг сайлов бюллетени солинган конвертга имзо қўйиш талаби олиб ташланган.¹⁵ Устига устак, мамлакатдан четда овоз беришга тегишли бир неча қоида киритилган.¹⁶

Қонунга кўра, барча овоз бериш участкаларига ҳаракати чекланган сайловчилар кира олиши талаб қилинади. Сайловчи хоҳиши билан бошқа одам ёрдамида овоз бериш имконияти ҳам мавжуд. Сайловчи соғлиқ ёки бошқа сабабга кўра талаб қилса, овоз бериш учун уйига олиб бориладиган кўчма сайлов кутиси ҳам бор.¹⁷

МСК июндан бошлаб сентяргача ойларида сайлов маъмуриятининг барча поғоналари учун каскад тренинглари ўтказди. COVID-19 пандемияси шароитида қўшимча сайлов куни протоколи ҳам ишлаб чиқилди. Бунга тана ҳарорати юқори бўлган сайловчилар овоз бериш жойларига киритилмай, унинг ўрнига кўчма овоз бериш кутилари орқали овоз бериш имкониятига эга бўлишлари қоида киритилган.¹⁸

МСК турли шаклларда кенг қўламли сайловчиларга ахборот бериш ва оқартув кампаниясини олиб бормоқда, жумладан биринчи бор овоз берадиганлар учун, ва барча овоз бериш участкаларининг геожойлашуви кўрсатилган интерактив веб-портал ва мобил иловани ишлаб чиқди. Ҳозирги кунга, МСК турли ОАВ органлари билан ҳамкорликда хабардорликни ошириш тадбирларини ўтказди. МСК йиғилишларини, матбуот брифинглари, иштирокни рағбатлантирувчи видеоларни ва ижтимоий тармоқ графикасини мунтазам равишда узатади.

¹⁴ Бир ташкилот бир УСК аъзолари сонининг ярмидан кўпини кўрсатиши мумкин эмас. Маҳалла ўзбек жамиятининг фуқаролар кундалиқ ҳаётининг кўплаб жиҳатларида қатнашадиган тузилма ҳисобланади. 1993 йил Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, улар бошқа масалалар қаторида тўй-ҳашамларга молиявий ёрдам кўрсатади ва маслаҳат беради, солиқларни вақтида йиғишда кўмаклашади, жамоат тартиби ва хавфсизликни сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига ёрдам беради ва бизнес объектларига берилган қарзларга кафил бўлади. Гарчи расман мустақил қолган бўлса-да, 2020 йилда, президент ташаббуси билан ўтказилган маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ислоҳоти натижасида маҳаллалар аслида янги ташкил қилинган ва Оила ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш янги вазирлигига бўйсунадиган вилоят маҳалла департаментларидан иборат марказий ва маҳаллий ҳокимият тузилмасига киритилди.

¹⁵ Эрта овоз бериш сайлов кунидан 10 кун илгари бошланиб 3 кун илгари тугатилади. Сайлов куни овоз бера олмайдиган сайловчилар ўзларининг одаддаги УСКларида овоз бериб, сайлов кунигача хавфсиз сақланадиган конвертга солиб ёпиб қатнашишлари мумкин.

¹⁶ Мамлакатдан ташқарида овоз беришда ҳам ўбеклар кўп сонли диаспора шаклида яшайдиган жойларда эрта овоз бериш, мобил овоз бериш ва эрта мобил овоз бериш назарда тутилган.

¹⁷ Бошқа ташкилий чоралар аравада ҳаракат қиладиган шахсларга ажратилган тўхташ жойлари, эстакадалар ва овоз бериш будкалари, шунингдек Брайл ёзувидаги овоз бериш бюллетенлар, ва кўриш қобилияти паст кишилар учун лампа ва линзаларни таъминлашдан иборат.

¹⁸ Ҳар бир УСКга сайлов куни соғлиқни сақлаш ходими бириктирилган бўлади. Сайловчилар, УСК аъзоларидан COVID-19нинг олдини олиш чораларига, жумладан тана ҳароратини ўлчаш ва никоб тақишга риоя қилиш талаб этилади.

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Мамлакатда сайловчиларни рўйхатга олиш сушт, у доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтиш реестридан 18 ёшдаги ва каттароқ фуқароларни ажратиб олишга асосланган. Сайловчиларнинг ягона электрон реестрини (СЯЭР) Ахборот технологияларини ривожлантириш ва коммуникация вазирлиги (АТРКВ) олиб боради ва эксплуатация қилади ва уни МСК назорат қилади. МСК 2021 йилнинг март билан май ойлари мобайнида тулри давлат институтлари, жумладан вазирликлар, фуқаролар йиғилари олиб борган уйма-уй юриб рўйхатга олиш ўтказилди, деб ДИИХБ СКМга хабар қилди. Натижада, МСК дастлабки 21,2 миллион сайловчи бор, деб хабар берди. Оғир жиноятлар учун қамоқ жазосини ўтаётган маҳбуслар, шунингдек суд томонидан, жумладан ақлий ва руҳий сабабларга кўра лаёқатсиз деб топилган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслиги демократик сайловга тегишли халқаро стандартларга зид.¹⁹

Сайловчилар рўйхатлари СЯЭРдан олиниб ҳар бир сайлов участкаси учун алоҳида шакллантирилган; сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Уйма-уй юриб УСК томонидан сайловчиларнинг дастлабки рўйхатларини аниқлаш 9 октябргача давом этади. Қайта кўриб чиқилган рўйхатлар тузатиш киритиш учун сайлов кунига беш кун колгунча осиб қўйилади ва сайлов ҳуқуқи бор фуқаролар ўз маълумотини шахсан ёки онлайн тарзда текшириши ёки янгиллаши мумкин.

Махсус сайлов участкалари ҳудудида вақтинча яшаётган сайловчилар муассаса бошқаруви томонидан тегишли сайловчилар рўйхатига кўшилади. Халқаро илғор тажриба ва ДИИХБнинг илгариги тавсияларига зид ўлароқ, сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган, аммо СЯЭРда бор, сайлов ҳуқуқига эга сайловчиларни, улар шахсини ва яшаш жойини тасдиқласа, тегишли УСК сайлов кунини сайловчилар рўйхатига киритиши мумкин. Уларнинг тегишли маълумотлари кейин СЯЭР тизимидан барча УСКда ўрнатилган компьютер терминали орқали текширилади.

VII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Камида 35 ёшга кирган, мамлакатда сайлов кунига қадар камида 10 йил яшаган ва ўзбек тилини яхши билган фуқаролар сайланиши мумкин.²⁰ ДИИХБнинг аввалги тавсиясига қарши ўлароқ, суд қарори билан лаёқатсиз деб топилган шахслар, ҳукм қилинган маҳбуслар, қастдан содир этилган жиноятлари учун судланишлари олиб ташланмаганлар ва дин ходимлари номзодларини кўрсата олмайди. Фақат сайлов кампанияси эълон қилиниш кунидан камида тўрт ой илгари рўйхатга олинган партиялар номзод кўрсатиши мумкин. Номзод партия аъзоси бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. ДИИХБнинг аввалги тавсиясига қарши ўлароқ, мустақил номзодлар ўзларини сайлов учун кўрсата олмайдилар.

Номзодлар ўзларини сайловчиларнинг камида бир фоизи қўллаб-қувватлашларини кўрсатишлари талаб қилинади, бу имзолар йиғиш билан тасдиқланади.²¹ Сайловчилар бир

¹⁹ Қаранг: БМТнинг 2006 йил Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг (НШХК) 12 ва 29 моддалари. Шунингдек қаранг: НШХК Кўмитаси 4/2011-сон хабарномасининг 9.4 хатбоҳиси, унда 29-модда ҳеч қандай асосланган чекловни, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳеч қандай гуруҳлари учун истисно бўлиши мумкинлиги назарда тутилмайди.

²⁰ Қонунда тил билиш даражасини аниқлаш жараёни белгиланмаган.

²¹ Тахминан 200.000 имзо талаб қилинади. Қонунда барча ҳудудий бирликлардан имзо йиғиш лозимлигини белгиланмаган. Бунда бир маъмурий бирликдан йиғилган имзолар 8 фоиз билан чекланиши қонунда белгиланган, бу имзолар камида 13 ёки 14 маъмурий бирликдан йиғилиши лозимлигини талаб қилади. Имзоларни иш жойларида, хизматда, ўқиш жойларида, турар жойларда ва кампания ўтказиш ва имзо йиғиш тақиқланмаган бошқа жойларда йиғилиши мумкин.

номзоддан ортиқ кишига имзо беришлари мумкин. МСК тақдим этилган имзоларни тасдиқлаш мақсадида эксперт гуруҳини ташкил қилди, гуруҳ танлов асосида текширув ўтказди.²²

15 сентябрь охири санага қадар МСК президетнликка беш номзодни, тўрт нафар эркак ва бир нафар аёлни: Баҳром Абдуҳалимов ((ЎСДП), Шавкат Мирзиёев (ЎЛиДеП), Назрулло Обломуродов (ЎЭП), Алишер Қодиров (ЎДП) ва Максуда Варисова (ЎХДП)ларин рўйхатдан ўтказди.

VIII. КАМПАНИЯ МУҲИТИ

Сайлов кампанияси расман 20 сентябрь куни бошланди ва 22 октябрь куни ярим кесада тугайди.²³ Сукунат даврида ва овоз бериш кунида фикр ўрганишни эълон қилиш, жумладан онлайн эълон қилиш тақиқланган. Қонун кампания олиб бориш учун тенг шароитлар яратади, жумладан кампания материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ва ОАВ текин эфир вақти ва босма жойдан фойдаланиш. ДИИХБ СКМ учрашган барча партия вакиллари тенг кампания шароити ва ОАВдан тенг фойдаланиш имкониятини таъкидладилар.

Номзодлар 15 нафаргача «ишончли вакиллар»ни кўрсатишлари мумкин. Улар кампания олиб боришда ёрдам берадилар ва номзоднинг манфаатларини ифода этадилар. Ишончли вакилларни МСК рўйхатга олади ва ДИИХБ СКМ кузатувида кўра кампания бошланишидан бери улар аксарият вилоятларда кампанияда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳар бир номзод вакилларнинг максимал сонини рўйхатдан ўтказди.²⁴

Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат уюшмалари номзодлар ва вакилларга кампания тадбирларини ўтказишда камситмаслик асосида ёрдам кўрсатишлари шарт. Сайлов кодексига 2021 йилда киритилган ўзгартишлар натижасида ОСКлари номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари кўмаклашмайди. ДИИХБнинг аввалги тавсияларига мувофиқ, илгариги жамоат кампания тадбирларини тасдиқлаш тизими маҳаллий ҳокимият органларини тадбир ўтказишдан уч кун илгари хабардор қилиш билан алмаштирилди. Охириги ўзгартишлар давлат ресурсларни сууистеъмол қилишни, жумладан давлат мансабдор шахсларнинг кампанияда қатнашишини тақиқлайди.²⁵

Кампания барча вилоятларда олиб борилмоқда, шунингдек у ижтимоий тармоқларда кўзга кўриниб турибди.²⁶ Шу пайтгача даъвогарлар орасида бевосита ёки мазмунли мулоқот бўлмади. Шахсий учрашувлар орқали кампания маҳаллалар ва туман даражасида олиб борилмоқда, уйма-уй юриб сайловчиларни аниқлаш партия вакиллари ва ишончли вакиллар томонидан ташкил

²² Қонунда тақдим этилган имзоларнинг камида чораги текришиши талаб қилинади.

²³ ЎСДПнинг номзоди кампанияни 29 сентябрда бошлади; бошқа тўрт нафар номзод кампания даврининг бошланишидан бери сайловчилар билан учрашувлар олиб боришди.

²⁴ 15 нафар рўйхатга олинган ишончли вакиллар орасида 4 нафар аёлни ЎДП, 3 нафарни ЎЛиДеП ва ЎСДП ва 2 нафарни ЎХДП ва ЎЭП рўйхатдан ўтказди.

²⁵ Давлат органлари ва маъмурият органлари бошлиқлари, маҳаллий ижроия органлари, Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлар, Давлат хавфсизлиги хизмати, бошқа ҳарбийлашган қисмлар хизматчилари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари ва дин ходимлари кампания олиб бориши тақиқланганлар қаторига қиради. Мол ва хизматлар етказиш (ахборот хизматлари истисно), шунингдек пул маблағлар тўлаш тақиқланган. Номзодлар жамоат транспортдан текин фойдаланишлари мумкин. Президент лавозими бўйича унга таъминланган самолётдан фойдаланишда давом этди.

²⁶ Кампания бошланишидан бери, ДИИХБ СКМ номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партияларнинг фаоллигини Телеграм, YouTube, Facebook ва Instagram ва ижтимоий тармоқларда кузатиб борди.

этилган, ва COVID-19га қарши эҳтиёт чораларга қарамай номзодлар олиб борган сайловчилар билан каттароқ учрашувлари бўлмоқда.²⁷ Ҳар бир партия хилма-хил ташвиқот материалларини, жумладан варақалар, партия газеталари ва постерларни тарқатиб келмоқда. Рақамли билбордларда баъзи вилоят марказларида барча номзодларнинг кампания клиплари ротация тарзда кўрсатилмоқда. Ижтимоий тармоқлар сиёсий партиялар ва баъзи номзодларга сайловчиларни ўз таклифлари ҳамда кампаниядаги фаолиятлари тўғрисида хабардор қилиш имкониятини тақдим этади.²⁸ Кампания платформаларида диққат-эътибор ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, давлат хизматлари, соғлиқни сақлаш, таълим, адлия ва экологик тизимга қаратилган, ҳозиргача кампанияда ягона устун масала кўтарилмади.

IX. КАМПАНИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Кампания молияси Сайлов кодекси ва Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун (СПМҚ) билан тартибга солинади. СПМҚга 2021 йилда киритилган ўзгартишлар илк бор кампанияни молиялаштиришнинг оралиқ ҳисобот мажбуриятини киритди. МСКнинг низомларида ҳуқуқий нормалар яна аниқланади.²⁹

Сиёсий партияларнинг кампания билан боғлиқ барча харажатлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Миқдорни МСК сиёсий партиялар билан маслаҳатлашув натижасида белгилайди.³⁰ 2021 йилда жами 15,54 миллиард сўм (1,25 миллион евро) сайлов кампанияси харажатлари учун ажратилди, номзод кўрсатган беш партиядан ҳар бири тахминан 3,14 миллиард сўм (250.740 евро)га эга бўлди.³¹ Барча беш партиядан биз мулоқот қилган шахслар кампания учун ажратилган маблағдан мамнун эканликларини билдирди. Кампания учун ажратилган маблағнинг ишлатилмаган қисми сайловдан кейин ёки номзод номзодини қайтариб олса, давлат бюджетига қайтарилади. Кампания олиб бориш учун бошқа маблағ, жумладан сиёсий партиялар маблағлари, хусусий пул ёки натура шаклидаги хайриялар тақиқланган. Бундай хайриялар берганларга қайтарилади.

Кампания молиявий ҳисоботи мажбуриятлари овоз бериш кунида 5 кун аввал МСКна оралиқ ҳисобот, ва сайлов натижаси эълон қилинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида якуний

²⁷ Шу кунга қадар ДИИХБ СКМ мамлакатда 29 кампания тадбирларини кузатди.

²⁸ Беш сиёсий партияларнинг барчасида фаол Instagram, Facebook, YouTube ва Telegram akkaунтлари бор, ЎЭП истисно, YouTube да бу партия йўқ. Улар асосан номзодлар кампанияси хабарларини қайтаради. Номзодларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши турлича; ЎХДПнинг номзоди Instagram, Facebook, YouTube ва Telegram да ҳозир бўлмаган ҳолда, ЎзЛиДеП ва ЎСДП номзодлари уларнинг барчасида ҳозир. ЎЭП (Instagram, Telegram) ва ЎДП (Instagram, Facebook, Telegram) номзодлари танлаб олинган ижтимоий тармоқларда ҳозирдирлар. ЎзЛиДеПнинг барча ижтимоий тармоқлардаги каналларини президентнинг матбуот хизмати юритади.

²⁹ МСКнинг 969-сон қарори (2019 йил, октябрь, 2021 йил июлда ўзратиш киритилган) ва қисман 1068-сон қарори (2021 йил, апрель, 2021 йил июлда ўзгартиш киритилган) кампания ва сайловни молиялаштириш қоидалари ва жараёнларини белгилади, хусусий хайриялар қайтарилишини талаб қилди, кампания молиявий ҳисоботлари учун чек муддатларни ва якуний ҳисобот андозасини белгилаб берди.

³⁰ Парламентда фракцияга эга сиёсий партиялар давлат бюджетидан йиллик молиялаштириш ҳуқуқига эга, миқдор рўйхатга олинган жами сайловчилар сонини 0,4 евро (1 евро тахминан 12.495 сўмга тенг)га кўпайтириш билан аниқланади. 2020 йилда партияларнинг устав фаолиятига ажратилган давлат маблағи жами 83,7 миллиард сўм (6.610.560 евро)ни ташкил қилди, бу эса барча партияларнинг жами тушуми (105,2 миллиард)нинг 80 фоизини ташкил қилди. Сиёсий партиялар ўз одатдаги устав доирасидаги фаолиятларини молиялаштириш учун юридик шахслардан 1.350.000.000 сўм (106.500 евро) билан чекланган ва хусусий шахслардан 135.000.000 сўм (10.660 евро) билан чекланган хайриялар олишлари мумкин. Чет элдан ёки аноним хайрияларга йўл қўйилмайди.

³¹ МСК кампания маблағини сиёсий партияларнинг ҳисобварағига партия номзоди рўйхатга олингандан кейин бир иш куни давомида кўчиради. Сиёсий партияларнинг кўчиришдан аввалги кампания билан боғлиқ барча харажатлари давлат кампания маблағидан у олинганда копланди.

ҳисоботни топширишдан иборат. Ҳар иккала ҳисоботда кампания мақсадларида сарфланган маблағ тўғрисидаги ахборот бўлиши ва улар сиёсий партияларнинг веб-сайтида ва босма ОАВда эълон қилиниши керак. Ҳисоб палатаси фақат *факт бўйича* кейинги календар йили бошида лозим бўлган молиявий аудит ўтказди. ДИИХБнинг аввалги тавсияларига мувофиқ, аудит натижалари эълон қилинади.³²

Х. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари муҳити кўп сонли давлат ва хусусий ахборот органлари чекланган реклама шароитида фаолият кўрсатиши билан тавсифланади.³³ ДИИХБ СКМ мулоқот қилган бир неча киши охириги йилларда оммавий ахборот муҳити яхшиланганлигини, жумладан ахборот олиш-ундан фойдаланиш яхшиланиши ва баъзи ижтимоий ва сиёсий масалаларда танқидий чиқишлар қилиш имконияти яхшиланишини таъкидлади.³⁴ Бироқ, ДИИХБнинг мулоқот қилган одамлари давом этган кўп муаммолар, жумладан журналист ва блоггерларни чеклаш ва сиқувга олиш, ва оммавий ахборот фаолиятини чекловчи ҳуқуқий асослар ҳамон мавжуд, деб айтишди. СКМ мулоқотда бўлган кўп кишилар фикрича, ҳар иккала омил ўзини ўзи цензура қилишнинг кенг қўлам олишига олиб боради. Гарчи 2019 йилда аввал беркитиб қўйилган кўп мамлакатдаги ва халқаро оммавий ахборот органлари ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари веб-сайтлари тикланган бўлса-да, баъзиларини мамлакатда ҳамон очиб бўлмади.³⁵ 2 июлдан бошлаб, Twitter, TikTok ва VKontakte ижтимоий тармоқлардан, шунингдек Skype ва WeChat тезкор мессенжерлардан фойдаланишга халақитлар қўйилмоқда.³⁶

Конституция сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш эркинлиги ҳуқуқларини таъминлайди. Бироқ, ОАВ эълон қилинган ахборот учун жавобгар ва диний мавзудаги публикацияларни аввалдан тасдиқлаб олиши лозим.³⁷ Гарчи Жиноят кодексига 2020 йил, декабрида киритилган ўзгартишлар тухмат ва ҳақорат учун қамоқ жазосини бекор қилган бўлса-да, улар ҳамон жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ёки уй ҳибси билан жазоланадиган жиноий қилмиш ҳисобланади. Жиноят кодексига охириги икки мобайнида киритилган ўзгартишлар тухмат ва ҳақорат, жумладан президентга тухмат ва ҳақорат учун жавобгарликни онлайн ва ижтимоий

³² Шунингдек, партиялар Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасига йиллик молиявий ҳисоботларини тақдим этишлари лозим.

³³ 2021 йил сентябрида бўлиб ўтган ЕҲХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили ташкил қилган Марказий Осиё медиа конференцияси пайтида Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ўзбекистонда жами 736 давлат ва 1.180 хусусий оммавий ахборот органи фаолият юритади, деб [ЭЪЛОН ҚИЛДИ](#) (ҳавола русчада). International Media Service номли ОАВ сотувчиси жами реклама бозорини 2020 йилда тахминан 42.000.000 евро, деб [чамаллади](#) (ҳавола русчада), жумладан тахминан 67 фоизи (28.100.000) телевидение станциялари таркатадиган реклама.

³⁴ Президент Мирзиёевнинг Ўзбекистон оммавий ахборот органи, давлат органи “Янги Ўзбекистон”га берган энг биринчи интервьюси 2021 йил, 17 август куни эълон қилинди.

³⁵ Мисол учун, *Radio Liberty/Radio Free Europe* ўзбек тилидаги нашри, рус тилидаги *Current Time TV* ёки АҚШда жойлашган *Foreign Policy* нинг рус тилидаги веб-сайтларини, шунингдек International Federation for Human Rights Front Line Defenders, Committee to Protect Journalists ва Amnesty International нинг Евросий нашри (рус тилида) веб-сайтларини ДИИХБ СКМнинг барча кузатувчилари бутун мамлакатда очилмайди, деб хабар қилдилар.

³⁶ 2 юлда, коммуникация соҳасидаги назорат органи, ЎзКомНазорат Шахсий маълумотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга 2021 йил, январда киритилган тузатишларга [мувофиқ эмаслиги](#) туфайли беш тармоққа фойдаланиш чекловини [ЭЪЛОН ҚИЛДИ](#) (ҳавола русчада). Қонун Ўзбекистонлик фойдаланувчиларнинг маълумотини мамлакатда сақлашни талаб қилади.

³⁷ Яқинда, 2021 йил, 21 июнда, Тошкентдаги Чилонзор туман суди икки веб-сайт, *kun.uz* ва *azon.uz* га, диний мавзудаги материалларни аввал Дин масалалари бўйича қўмитанинг розилигини олмай, эълон қилишда гумон қилинганлиги туфайли жарима солди. Ушбу масалада Журналистларни муҳофаза қилиш қўмитасининг [ҳисоботини](#) кўринг.

оммавий ахборот воситаларига тарқатди, шунингдек хавфли юқумли касалликларнинг тарқалиши тўғрисида ваҳима қилиш ва ёлғон ахборот тарқатиш учун қамоқ жазосини киритди.³⁸ Журналистлар, шунингдек, “фуқароларнинг кадр-қимматини ҳақорат қилишлари” ва ёлғон ахборот тарқатишлари учун жавобгарликка тортилишлари мумкин, айти пайтда блоггерлар ва веб-сайтлар эгалари учинчи шахлар берган контент ва фойдаланувчиларнинг умумий шарҳлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин.³⁹

Сайлов кодекси ОАВ учун кампания даврида ўзини тутишнинг умумий қоидаларини белгилайди, улар МСКнинг 2021 йил, апрель ойида қабул қилинган қоидалари билан янада аниқланди. Ушбу қоидаларга кўра, текин эфир вақти ва жой давлат босма ва эфир оммавий ахборот органларида ажратилиши таъминланади. 17 сентябрь куни МСК ҳар бир даъвогарга 5 миллий ТВ каналининг ҳар бирида 3,5 соат вақт, шунингдек 13 вилоят эфирга узатувчиларнинг ҳар бирида 140 дақиқадан ва 6 миллий ва 26 вилоят газеталарда жой ажратди. Шунингдек, МСК беш миллий ТВ станциясида кампания даврида ҳар шанба кунига даъвогарлар ўтрасида мунозара учун вақт эҳтиёт қилиб қўйди; бироқ даъвогарлар бундай мунозара олиб бориш борасида келишиб олишлари лозим. МСК қоидалари давлат ва хусусий ОАВга вақт ва жойни даъвогарларга тенглик шартида сотиш ҳуқуқини берган, ва номзодларга тенг ёритилишни кафолатлайди. Бироқ, номзод жорий вақтда эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ вазифаларни бажараётган бўлса, бу кампания ҳисобланмайди ва шунинг учун мазкур қоидадан истисно қилинади.

Ўзбекистоннинг ОАВ регулятори, Президент администрацияси назорат қиладиган Ахборот ва оммавий коммуникация агентлигига кампанияда ОАВни мониторинг қилиш ва МСКга кундалиқ ҳисобот бериш вазифаси юкланган. Бироқ, фақат якуний мониторинг ҳисоботи овоз бериш кунидан кейин очиқ эълон қилиниши керак. 20 сентябрда ДИИХБ СКМ олти телевидение канали ва олти онлайн ОАВ органининг сифатли ва миқдорли мониторингини бошлади.⁴⁰

XI. МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ҚАТНАШУВИ

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Расмий статистикага кўра, ўзбеклар аҳолининг 83,8 фоизини ташкил қилади, ҳолбуки бошқа катта элатлар тожиклар, қозоқлар, руслар ва қорақалпоқлардан иборат.⁴¹ Сўнгги элат асосан суверен республика мақомига эга Қорақалпоғистонда яшайди.

Конституция миллий мансублик асосидаги камситишсиз тенг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлайди. МСК кўра, келажак президент сайловига барча беш номзод ўзбек. Сайлов кодекси сайлов бюллетенлари ўзбек тилида ва ОСКнинг қарори билан тегишли туман аҳолисининг купчилиги гапирадиган тилда чоп этилишини белгилайди. Баъзи округларда бюллетенлар рус

³⁸ 2021 йил, 19 апрелда Давлат хавфсизлиги қўмитаси блоггер Валижон Калоновга қарши президентни ҳақорат қилгани туфайли жиноий иш [қўзғатди](#) (ҳавола русчада). 2020 йил, 20 ноябрь куни ОАВ регулятори уч йирик янгилик веб-сайти [Gazeta.uz](#), [Podrobno.uz](#), ва [Daryo.uz](#) ни (ҳавола русчада) веб-сайтлар касалхоналарга олинган COVID-19 беморлар сонида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва президент администрацияси берган маълумотда жиддий тафовут борлигини эълон қилгандан кейин “текширишмаган ахборот”ни эълон қилинганлиги муносабати билан “жиддий ҳуқуқий оқибатлар” тўғрисида огоҳлантирди.

³⁹ Жиноят кодексига “кадр-қимматни ҳақорат қилиш”нинг аниқ таърифи берилмаган ва бу одатда тилшунослик таҳлили асосида белгиланади.

⁴⁰ ТВ: *O'zbekiston* (давлат), *O'zbekiston 24* (давлат), *Mening Yurtim*, *Sevimli*, *UzReport*, *ZO'R TV*. Веб-сайтлар: *Daryo.uz*, *Gazeta.uz*, *Kun.uz*, *Podrobno.uz*, *Qalampir.uz*, *Repost.uz*.

⁴¹ Аҳолини рўйхатга олиш 30 йилдан ортиқ вақт ўтказилмади. Янги, 2020 йил ноябрига режалаштирилган рўйхатга олиш COVID-19 пандемияси уйғотган тишвиш туфайли бекор қилинди. У 2023 йилга қолдирилди.

ва қорақалпоқ тилларида таъминланади. Баъзи сайлов материаллари, жумладан қонунлар ва МСК низомлари ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилган. Шу пайтгача ДИИХБ СКМ кузатган кампания тадбирларининг аксарияти ўзбек тилида олиб борилди, холбуки баъзиларида озчилик тилларида хабарлар берилди. Ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилидаги материалларга кўшимча равишда ДИИХБ кузатувчилари қозоқ ва тожик тилларидаги кампания материалларга эътибор берди.⁴²

ХП. ШИКОЯТ ВА МУРОЖААТЛАР

Сайлов билан боғлиқ низолари Сайлов кодекси, Маъмурий процессуал кодекс, Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ва МСКнинг низомлари ва қарорлари билан тартибга солинади.⁴³ Мамлакат суд тизимининг ислоҳотини бошдан кечирмоқда, бу эса бошқа жиҳатлар билан бир қаторда маъмурий судларнинг ҳудудий юрисдикциясини ўзгартирди.⁴⁴ Сайлов кодексига 2021 йилда киритилган ўзгартишлар сайлов билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда параллел йўлларни бартараф қилди, бунда ДИИХБ аввалги тавсияларига амал қилинди, ва процессуал муддатлар қисқартирилди.

Сайлов билан боғлиқ шикоятларни сайловчилар (якка тартибда ва жамоа бўли, жумладан юридик шахслар), номзодлар, уларни кўрсатган сиёсий партиялар, вакиллар ва кузатувчилар тақдим этишлари мумкин. Фақат номзод ва сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари УСКнинг натижалар тўғрисидаги қарорга қарши даъво қилишлари ва қайта санашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Сайлов комиссиялари, жумладан МСК, Сайлов кодексининг бузилишлари борасидаги шикоятларни биринчи инстанцияда кўриб чиқади, уларнинг қарорлари устидан судга мурожаат этиш мумкин. Қонунда шикоят тақдим этиш учун чеклов муддати белгиланмаган бўлса-да, сайлов комиссиялари шикоят тўғрисидаги қарорни уч кун мобайнида чиқаришлари керак.⁴⁵ Сайлов маъмурияти ҳаракати ёки қарорлари устидан шикоятлар беш кун муддатда маъмурий судларга тақдим этилиши ва улар уч кун мобайнида кўриб чиқилиши лозим. Қонунда яққол равишда ҳаракатсизлик устидан шикоят назарда тутилмаган. МСК устидан шикоятлар борасида Олий суд юрисдикцияга эга. Судларнинг сайловга тегишли қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим.⁴⁶

⁴² МСК УСК тожик, қозоқ, турман ва қирғиз тилларидаги материаллар билан таъминланди, деб ДИИХБга хабар берди. Ушбу материаллар МСКнинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилган.

⁴³ МСКнинг 1065-сон (2021 йил, апрелда қабул қилинган, 2021 йил, июлда ўзгартиш киритилган) ва 1066-сон (2021 йил, апрелда қабул қилинган, 2021 йил, июлда ўзгартиш киритилган) қарорлари.

⁴⁴ Маъмурий судларнинг икки куйи поғонаси (шаҳар ва туман) бекор қилиниб, туманлараро маъмурий судлар жорий этилди. Электрон ҳуқуқат портали орқали онлайн шикоят тақдим этиш тизими киритилди. Президент судьялар корпусини шакллантиришга салмоқли таъсир кўрсатишда, жумладан Олий суд кенгашининг 21 нафар аъзосидан 20 нафарини тайинлаш, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар судининг раиси ва раис ўринбосарларини тайинлаш ва бўшатиш ва Олий суд ва Конституциявий судга номзод кўрсатиш ваколатида давом этмоқда.

⁴⁵ 24 соат ичида кўриб чиқилиши керак бўлган сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ шикоятлар, шунингдек овоз бериш қунидан аввалги 6 кун ичида ва дарҳол қарор қабул қилиниши керак бўлган овоз бериш қунида тақдим этилган шикоятлар истиснодир.

⁴⁶ Маъмурий процессуал кодексга биноан ушбу қарорлар янги очилган жиҳатлар бўлса, тарафлар ёки прокурор ташаббуси билан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бундай мурожаатлар сайловнинг ҳуқуқий асосида жорий этилган тезлаштирилган жараёндан истисно қилинган; уларни янги жиҳатлар очилгандан кийин бир ой ўтиб ҳам бошлаш мумкин, уларни ўша суд бир ой муддатда кўриб чиқади.

Ҳозирги кунга МСКга шикоятлар берилмаган, фақат сайловчиларнинг сайлов жараёнининг ташкилий жиҳатларига тегишли ахборот олиш талаблари келиб тушган.⁴⁷ Сайлов маъмуриятининг қуйроқ поғоналарига ёки судларга шикоятлар тақдим этилмади.

XIII. ФУҚАРОЛАР ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР

Сайловни кузатиш конунда назарда тутилган ва МСК қарорлари билан янада аниқланган. Халқаро ташкилотлар, шунингдек чет давлатлар кузатувчи сифатида аккредитация учун мурожаат қилишлари мумкин. Ҳозиргача МСК 380 нафар халқаро кузатувчини аккредитация қилди. Қонун партия вакиллари, ОАВ вакиллари ва фуқаролар йиғинлари аъзолари томонидан кузатувга йўл қўяди, аммо аввал ДИИХБ тавсия қилган оддий фуқаролар кузатувига йўл қўймайди.⁴⁸ Кузатувчи сифатида аккредитация сайлов жараёнининг барча босқичларини кузатиш ҳуқуқини беради.

XIV. ДИИХБ СКМ ФАОЛИЯТИ

ДИИХБ СКМ ишини 15 сентябрда бошлади. ДИИХБ СКМнинг бошлиғи МСКнинг раиси, Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, номзодлар, сиёсий партиялар етакчилари ва вакиллари, ОАВ ва дипломатлар ва халқаро ҳамжамият аъзолари билан учрашди. ЕҲХТ Парламент ассамблеяси (ЕҲХТ РА), шунингдек Европа парламенти овоз бериш кунида кузатув учун делегация йўллаш ниятида. ЕҲХТнинг амалдаги раиси жаноб Рейнхольд Лопатка (Reinhold Lopotka)ни ушбу сайлов учун қисқа муддатли кузатув миссиясига Махсус координатор ва раҳбар этиб тайинлади. Даниэлла Де Риддер (Daniela De Ridder) хоним ЕҲХТ РА делегациясига бошчилик қилмоқда. ДИИХБ СКМ ва ЕҲХТ Лойиҳалари координатори бир биридан алоҳида, ваколатлари асосида фаолият кўрсатади.

*Ушбу ҳужжатнинг инглиз тилидаги версияси ягона расмий ҳужжат ҳисобланади.
Норасмий таржималар ўзбек ва рус тилларида мавжуд.*

⁴⁷ 5 октябрь куни ҳолатига кўра, 1417 нафар сайловчи овоз бериш участкасини ўзгартириш тўғрисида онлайн сайловчиларни рўйхатга олиш портали орқали ариза берди, бу сондан 880таси қаноатлантирилди, 292таси рад этилди (асосан қайтарилиши туфайли) ёки ариза берганлар қайтариб олди ва 245 таси қўриб чиқилмоқда.

⁴⁸ Қонун Фуқаролар йиғини аъзорали томонидан қўзатувни 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловидан бери йўл қўяди.